**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» МЧЖ**
**раҳбари**
**МАРУПОВА.Д.О**

**“______”     ______________2019й.**

# ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙАСОСЛАР

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, ОЫДАРЁ ТУМАНИ ХАТБ «МИКРО КРЕДИТ» БАНКИНИНГ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТИ ҲИСОБИДАН СПОРТ, МУСИҚА ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ХУСУСИЙ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

САМАРҚАНД-2019

## МУНДАРИЖА


**ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ .......... 2**

**ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ ........................................ 3**

**БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ ........................................ 4**

КИРИШ ........................................ 4
ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ ........................................ 5
ЛОЙИҲАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ ........................................ 7
ЛОЙИҲА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР ........................................ 7
ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ ........................................ 8

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ ................... 9**

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ ........................................ 9
КОРХОНА ҚУВВАТЛАРИ ........................................ 10
ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ ........................................ 12
ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ ........................................ 13
ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ ........................................ 13

**ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ ...................................14**

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ .......... 14
SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ ........................................ 15
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ ........................................ 15

**ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ .....................................16**

УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ. 17
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ ........................................ 20
ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИГА САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ ........................................ 21
ИШЧИ КУЧИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ ........................................ 23
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ ........................................ 24
АММОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ ........................................ 25
ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАРҲИСОБИ ........................................ 26
КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ РЕЖАСИ ........................................ 27
ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ҲИСОБИ ........................................ 33

**ЭКОЛОГИК ТАЛАБ ........................................ 34**

**ХУЛОСА ........................................ 35**

**ИЛОВА ........................................ 36**

# ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

**ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ:**

Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ МФЙ рўйхатга олинган **«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» МЧЖ раҳбари Марупова.Д.О**

**ЛОЙИҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:**

**ХАТБ «МИКРО КРЕДИТ»** банк Самарқанд вилоят филиали томонидан тақдим этилаётган кредит.

**ЛОЙИҲА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ:**

**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» МЧЖ**

**НТМнинг РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОҲНОМА РАҚАМИ:**

30-Январь 2018 йил, Гувохнома № 570 858

Самарқанд вилояти ЯГОНА ДАРЧА томонидан рўйхатга олинган

**НТМнинг ЮРИДИК МАНЗИЛИ:**

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шахар, ГАГАРИН кўчаси 119 уй

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

Банк: **ХАТБ «МИКРО КРЕДИТ»** банк, Самарқанд филиали

Х/р.: 2020 8000 0008 500 72001

Банк коди (МФО): 00281

СТИР (ИНН): 305 259 701

**ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

- **Лойиҳа суммаси: 500 000 000сўм**
- **ХАТБ «МИКРОКРЕДИТ»**банк **кредити:100 фоиз ёки 500 000 000 сўм**
- **Кредитловчи ташкилот: ХАТБ « МИКРОКРЕДИТ »** банк, Самарқанд филиали
- **Кредит фоизи:** 28фоиз
- **Лойиҳалаштириш муддати:** 3 йил
- **Имтиёзли муддат:** 6 ой
- **Ўртача йиллик даромад 1 736 118 666** сўм
- **Фаолиятдан олинадиган йиллик ўртача соф фойда микдори: 459 774 183**сўм
- **Лойиҳанинг соф фойда ҳисобидан реал оқланиш муддати:**10 йил
- **Лойиҳанинг ўртача рентабеллик даражаси:** 33,14 %
- **Яратиладиган ишчи ўринлари сони:** 15та

## ЛОЙИҲАДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини яртиш, инвестиция маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги 120 ўринга мўлжалланган спорт,мусиқа ва чет тиллари йўналишларини мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатишдан кредитни қайтариб, тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўришдан иборат. Ташкиллаштириш орқали хўжалик фаолиятини кенгайтириш. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар **ХАТБ « МИКРОКРЕДИТ »** банки ҳисобидан амалга оширишu режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

## БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳаси ҳусусан мактабгача таълим муассасалари камлиги ҳамда айрим махалла ва қишлоқларда эса умуман йўқлиги сабабли болалар таълимида камчиликлар ва болалар билим савияси саёз эканлиги кузатилаётган эди.

Аммо таълим соҳаси, ҳусусан мактабгача таълим муассасаларининг хусусийлаштириш ва хар бир махаллада хеч бўлмаганда битта мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш фаолиятига қаратилган эътибор натижаси ўларок кейинги 1-2 йил ичида соҳада туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва кишлокда фермер хужаликлари негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни хамда хизмат кўрсатиш, таълимсоҳасини мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2018-йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш» йили ҳамда 2019 йил "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили" деб номланишлари ва бу борада олиб борилган ишлар натижаси ўларок таълим соҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши кузатилмокда.

Жуда қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш мақсадида жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқот ўрнатишнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали шаклларини жорий этиш, айниқса, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олган ҳолда жойларга чиқиб фуқароларни қабул қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга оширишга қаратилган қатор давлат ва ҳудудий дастурлар қабул қилинди.

Жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, фуқароларимизнинг талаб ва таклифларига биноан қисқа вақт ичида шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қуриш, ичимлик сув, иссиқлик таъминоти, канализация тизимларини

модернизация қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолияти натижаларини баҳолашда улар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатини қанчалик яхшилаётганига ҳамда маҳалла ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ижтимоий-иктисодий ривожланишини янада жадаллаштиришга бўлган таъсири етарлича эътиборга олинмаяпти.

**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ » НТМ раҳбари** ушбу лойиҳасида мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкиллаштириб, мактабга билимга чанқоқ, хар тамонлама етук ёш ўғил-қизларни етказиб бериш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун **500 000 000** сўм миқдорида инвестиция маблағини ўзлаштиришни кўзда тутган бўлиб, ушбу маблағлар бинолар қуриш, бинони жихозлаш ва озиқ овқат махсулотлари, идора ашёлари сотиб олиш учун сарфланади. Эвазига эса рентабеллиги юқорибўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Хукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик негизида хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга катъий киришганлиги, соҳанинг истиқболлари ва кўзланаётган режаларнинг амалга ошишини ҳисобга олиб ушбу лойиҳа молиявий жиҳатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор хукуматнинг солиқ ва бошка турдаги имтиёзлар билан тўлақонли қўллаб-кувватлашига эришади.

## ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

Жорий йилда мактабгача таълим муассасаларининг хусусийлаштириш ва хар бир махаллада хеч бўлмаганда битта мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга бўлган талабни қондириш борасида қатор тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бу борада кенг кўламли ишлар бутун Республика буйича олиб борилмокда.

Кейинги йилларда таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилиб, салмоқли натижаларга эришилмокда.

Бизнес фаолиятини режалаштиришнинг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тўгри ташкил этилган бизнес режа хар бир тадбиркор учун энг долзарб масала соҳага инвестиция қилиш жозибадорлиги изохлайди. Ушбу бизнес режа мактабгача таълим муассасасида Рус тили инглиз тили, спорт турлари футбол, кураш ва бошқа спорт турларига ўқитилиб, болалар вақтининг чоғ ўтиши ва билим даражасининг яхшиланишини таьминлайди. Бундан ташқари ушбу нодавлат мактабгача таълим муассасасининг ташкил этилиши ота-оналар учун хам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради, ҳусусан нодавлат мактабгача таълим муассасасининг яқинлиги, болаларнинг хизмат автобуси билан уйидан олиб кетилиши ва олиб келиб қўйилиши ва бошқа шу каби бир қанча қулайликлар мавжуд.

**Лойиҳани амалга ошириш иккибосқичдан иборат.**

**1 БОСҚИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши.**

**Вақт оралиғи:** 1-2- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чикиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш. Биноларни қуриш учун қурувчи-пудратчи корхоналар ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб берувчи ташкилотлар (Республика худуди ва чет - эл) билан сотиб олиш буйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари махаллий савдо ташкилотлари билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлган олди-сотти хамкорликлар буйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ўзлаштириш.

**2 БОСҚИЧ: Қурилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш.**

**Вақторалиғи:** 3-4- ойлар

**Қилинадиган ишлар:** Инвестицияни ўзлаштириб лойиҳада кўзда тутилган барча ишларни якунлаш. Яъни бу босқичда аввало қурилиши режалаштирилаётган хусусий боғча биноси атрофи тозаланиб, ободонлаштирилади ва нодавлат мактабгача таълим муассасасининг биноси қурилади. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, овқатланиш, ётоқхона, дарс ўтиладиган хоналар ва спорт залидан иборат бўлади. Хамда Ошхона ва озиқ- овқат махсулотларини сақловчи қўшимча омбор Қурилади. Бу бино Самарқанд вилоят Оқдарё туман, ҳудудида қурилиши режалаштирилган. Дарс ўтиладиган хоналар 6 та бўлиб хар бир гурух 30 нафар болани ташкил этади.

## ЛОЙИҲАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ

Лойиҳанинг асосий мазмуни Самарқанд вилояти Оқдарё туманида спорт, мусиқа ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиб тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўриш, шунингдек туман аҳолисининг ижтимоий жиҳатданқўллаб – қувватлаб, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Стратегик жиҳатдан НМТМ қўшимча иш ўринларини яратиб, маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашни, хусусий мактабгача таълим муассасаси биноси атрофидаги ташландиқ ерларни ободонлаштириб, ҳудуд инфратузилмаси ривожига ҳисса қўшишни, ободонлаштириш натижасида экология яхшиланишига ҳам ҳисса қўшишни мақсадқилган.

Стратегик жиҳатдан НМТМ ўз олдига юқорида айтиб ўтилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиҳа даврида (15 йил) тўлақонли тухтовсиз ишловчи мактабгача таълим муассасасини яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жиҳатдан энг маъқул мухитни яратишни ва худуд аҳолиси учун юқори сифатли, хаммабоп ва арзон таълимни яратишни мақсадқилиб қўяди. НМТМ бу мақсадларга эришиш оркали болалар билим савиясининг ва дунё қарашининг ривожланишига ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичида шаҳар, вилоят ва Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашни,

истиқболда боғчага болалар сонини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида НМТМ олдига қўйиган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда Самарқанд вилояти, Оқдарёё туманида нодавлат мактабгача таълим муассасаси сифатида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб олишни олдидаги истиқболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## ЛОЙИҲА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Кредитга хариди режалаштирилган махсулот умумий қиймати – **500 000 000** сўм.

Фаолиятнинг мазмуни – Самарқанд вилояти **ХАТБ « МИКРОКРЕДИТ »** банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан спорт ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси.

Лойиҳа суммаси (киритиладиган инвестициялар ҳисобидан): **500 000 000** сўм.

Лойиҳа муддати – **3** йил. (Шундан **6 ой** имтиёзли муддати)

Солиқ тўловлари амалга оширилгунга қадар бўлган соф фойда (ўрта ҳисобда) - **554 218 929** сўм.

Ўрта ҳисобдаги йиллик соф фойда – **459 774 183** сўм

Лойиҳанинг тўла қопланиш муддати – **10** йил.

| **Лойиҳа самарадорлигининг интеграл кўрсаткичлари** | |
|---|---|
| **Кўрсаткич** | **Мазмун** |
| Лойиҳанинг ялпи даромаддан ўзини оқлаш муддати | 5 йил |
| Лойиҳанинг солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан оқланиш муддати | 7 йил |
| Кредит кайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати | 10 йил |
| Ўртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати) | **33,14** % |
| Тўла оқланиш даври | 10 йил |

Лойиҳанинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги таҳлили шуни кўрсатадики, хатто фаолият ривожининг пессимистик сценарийси барқарор кўрсаткичларга ҳамда ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиҳанинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиҳа давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессимистик прогнозларда (бошқаларга нисбатан паст нарҳлардаги таълимни назарда тутиб) юқорилиги, яъни ялпи даромадгага нисбатан 33,14 фоиз ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойиҳани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди.

Бундан ташқари, лойиҳанинг мавсумийлик характерга эга эканлиги ҳисобга олсак, бу иш хақи харажатларининг янада қисқариш имкониятлари мавжудлиги, ва лойиҳадаги инвестиция маблағидан бир эмас, бир неча маротаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тўла кайтарилишининг рисклардан холи равишда кафолатланганлиги ва фаолиятни болаларни мактаб ёшига етганга қадар

бошланғич ўқитилиши орқали ўзини оқлаб, фойда келтирилишини, лойиҳанинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди.

Бу эса ўз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

## ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ

**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» НТМ раҳбари Марупова Дилфуза Орифова** 2018 йил 30 Январь (Гувохнома № 570858)да Самарқанд вилояти, Самарқанд шахар Ягона дарча томонидан рўйхатга олинган.

Асосий инвесторлар: **ХАТБ « МИКРОКРЕДИТ » банк** Нодавлат таълим муассасасига бўлган эътибор ва қизиқишни ҳисобга олиб, корхона томонидан бир йил мобайнида 500 000 000 сўмлик кредит маблағини ўзлаштиришни ўз олдига мақсадқилиб қўяди.

Нодавлат таълим муассасасини ривожлантириш учун мавжуд қулай шарт – шароитларни ҳисобга олиб, **«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» НТМ** раҳбарияти томонидан Самарқанд вилояти, Одарё туманида хусусий нодавлат таълим муассасасини қуришни режалаштирилди.

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ

Режалаштирилаётган тадбиркорлик фаолияти Самарқанд вилояти Оқдарё тумани

Нодавлат таълим муассасаси биноси 2 қават қилиб қурилади. Биринчи қаватда спорт зали, ва инлиз тили рустили тўгараклари учун хоналар ва 1,2 гурух тарбияланувчилари учун хоналар ҳамда иккинчи қаватда эса 3-6 гурух тарбияланувчилар учун хоналар ва ётоқхона қурилиши режалаштирилган. Ва курилаетган бино енидан ошхона ва озиқ-овқатлар сақланадиган бино қурилади

Бундан ташқари, 1-қаватда ота-оналар учун кутиш хонаси хам ажратилиши режалаштирилган.

Нодавлат таълим муассасасида тарбияланувчилар қўшимча бадиий гимнастика, каратэ, инглиз ва рус тиллари дарсларини хам ўрганишлари мумкин бўлади.

Шу билан бирга, корхона раҳбари нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишда кам таьминланган ва ёш оилаларга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Нодавлат таълим муассасаси 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 30 та ўринни кам таъминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун ажратилади ва уларга бир ойлик тўлов суммаси сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

## КОРҲОНА ҚУВВАТИ

Нодавлат таълим муассасаси 150 ўринга мўлжалланган. Мактабгача тайёрлаш жараёни узлуксиз давом эттирилган тарзда олиб борилади.

Бундан ташқари, кам таьминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун имтиёзли ўринлар сони 35 тани ташкил этилган бўлиб, бир ойлик тўлов суммаси эса 200 000 сўмни ташкил этади. Қолган тарбияланувчилар эса бир ой учун 650 000 сўмдан тўлов амалга оширилишини режалаштирилган.

**4 - Жадвал. Биройлик таълим бериш қуввати**

сўмда

| 100 % кувватда | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Номланиши | ойлик НТМда тарбияланадиган болалар сони | | | |
| | | Ўлчов бирлиги | Сони | Бир ойлик тўлови | Жами сумма |
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 200 000 | 7 000 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 650 000 | 74 750 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 110 000 | 9 900 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 150 000 | 13 500 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 160 000 | 14 400 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 160 000 | 14 400 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 150 000 | 13 500 000 |
| **Жами** | | | | | **147 450 000** |

| Қувватларнинг ишга туширилишисўмда | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 йилда | | Нарх усиши - 0% | Қувват= | | | 1,00 |
| № | Номланиши | йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони | | | | |
| | | Ўлчов бирлиги | Сони | Бир ойлик тўлови | Йиллик тўлови | Жами |
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 200 000 | 7 000 000 | 84 000 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 650 000 | 7 800 000 | 897 000 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 110 000 | 1 320 000 | 118 800 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 150 000 | 1 800 000 | 162 000 000 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 160 000 | 1 920 000 | 172 000 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 160 000 | 1 920 000 | 172 000 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 150 000 | 1 800 000 | 162 000 000 |
| **Жами** | | | | | | **1 767 800 000** |

| **Сўмда** | | | |
|---|---|---|---|
| **2 йилда** | **Нарҳ усиши - 10%** | **Қувват =%** | **1,00** |

| **№** | **Номланиши** | **йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ўлчов бирлиги** | **Сони** | **Бир ойлик тўлови** | **Йиллик тўлови** | **Жами** |
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 220 000 | 2 640 000 | 92 400 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 715 000 | 8 580 000 | 986 700 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 121 000 | 1 452 000 | 130 680 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 165 000 | 1 980 000 | 178 200 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 176 000 | 2 112 000 | 190 080 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 176 000 | 2 112 000 | 190 080 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 165 000 | 1 980 000 | 130 680 000 |
| **Жами ишлаб чиқариш қиймати** | | | | | | **1 898 820 000** |

| **3 йилда** | **Нарҳ усиши - 15%** | **Қувват=%** | **1,00** |
|---|---|---|---|

| **№** | **Номланиши** | **йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ўлчов бирлиги** | **Сони** | **Бир ойлик тўлови** | **Йиллик тўлови** | **Жами** |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 253 000 | 3 036 000 | 106 260 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 822 250 | 9 867 000 | 1 134 705 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 139 150 | 1 669 800 | 150 282 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 189 750 | 2 277 000 | 204 930 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 202 400 | 2 428 800 | 218 592 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 202 400 | 2 428 800 | 218 592 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 189 750 | 2 277 000 | 204 930 000 |
| **Жами** | | | | | | **2 238 291 000** |

## ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 28 кишини ташкил қилади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил қилиб, қолган 26 киши ишчи хизматчилардан иборат бўлади.

Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, хисобчидан иборат бўлади.

Ишчи – хизматчи ходимлар таркиби эса 26 нафар ишчи, 12 нафар тарбиячи,1 нафар инглиз тили ўқитувчиси, 1 нафар рус тили ўқитувчиси, 1 нафар бадиий гимнастика мураббийси, 1 нафар кураш мураббийси, 1 нафар мусиқа ўқитувчиси, 1 нафар болалар шифокори, 2 нафар ошпаз , 4 нафар фаррош ва 2 нафар қоровуллардан иборат бўлади.

Ишчиларнинг иш вақти 10 соатлик олти иш куни тартибида ташкил этилади, яъни эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14:00 гача) иш вақти ҳисобланади.

(Қаранг: ҳисоб-китоби Молиявий бўлим, 13- жадвал)

## ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ

Таълим бериш жараёни сифатли бўлиши учун режалаштирилаётган фаолият малакали ишчи кучи ва билим талаб қилади. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга қуйидаги талаблар қуйилади. Жумладан:

1. **Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар:** олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки

шунга ухшаш соҳада камида икки йил давомида ишлаган бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.

2. **Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар:** энг камида ўрта-махсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари, тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва хакконийлик, махаллий халк анъаналари ва удумлари билан танишлик, биттадан ортиқ тилни билишлиги каби сифатларга хам алохида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўкитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга хам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўкув-малака амалиётлари, айни ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон худудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўкитиш ишларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ва бошкарув амалиёти буйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек қурилиши мўлжалланаётган корхона учун ажратилган ерда барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд ва қурилиш лойиҳасида уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан биноларни ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига бўлганталаби 5,2 кВт ва йиллик сарф миқдори 1622,4 кВт.ни ташкил этади.

Электроэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади.(Қаранг: 14- жадвал)





# ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ

## ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

НТМ маьнавий бозордаги талаб таклифдан кўпрок бўлиб, бунга йил давомида таълим сифати тўлиқ реализацияси ва ички бозордаги нарҳларнинг меъёрий нарҳлардан анча юқорилиги далил бўла олади.

Соҳанинг кейинги ун йиллик ичидаги ривожланиши таклиф сонининг кескин ортишига ва аҳолини эхтиёжини қондирилишига эришилаётган бўлганлигига қарамасдан ушбу сифатли таълимга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормокда.

**Талаб ва таклиф мутаносиблиги.**




**Шартли белгилар:**
*Q– Бозорга олиб чиқилган маҳсулот*
*P – Сотилган маҳсулот нарҳи*
*Тб – маҳсулотга бўлган потециал талаб*
*Тф – маҳсулотнинг потенциал таклифи*
*О – Талаб ва таклифнинг оптимал холати (нарҳ ва маҳсулот миқдорининг оптимал кесишув нуқтаси)*
*В – бугунги кундаги ички бозоридаги юкори нарҳ ва маҳсулот микдорининг камлигини изохловчи нукта*
*dQ – етишмаётган маҳсулот микдори*
*dP – оширилган нарҳ*

## <u>ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР</u>

Потенциал талаб сифатида аҳолининг сифатли таълимгабўлган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматга эхтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамасдан республика микёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд.

**<u>Потенциал талабга қуйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказади:</u>**

- Бозорда таклифнинг талабдан кам бўлиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.
- Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.
- Ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўгри мутаносиб равишда таъсир қилади.
- Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.
- Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иктисодий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор холатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

## SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ

5 – жадвал.

| Афзалликлар (Strengths) | Заифликлар (Weaknesses) |
|---|---|
| 1. Янги замонавий технология.<br>2. Нарҳ ва таннарҳнинг нисбатан пастлиги.<br>3. Мақсад аниклиги ва мақсад сари интилувчанлик<br>4. Юқори сифат<br>5. Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги<br>6. Рақобатбардошлилик<br>7. Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.<br>8. Ва. х. к. | 1. Ташқи омилларга таъсирчанлик, махсулот яроқлилик муддатининг озлиги<br>2. Дастлабки босқичларда хорижий валюталар курсининг ишлаб чиқариш ва савдо – фаолиятига таъсири.<br>3. Истеъмолчилар ва харидорлар ишончини ва ишлаб чиқариш кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган яийинчиликлар<br>4. Дастлабки босқичда бозорнинг яаттия раяобатига таъсирчанлик<br>5. Об хаво шароитлари ва хосил холатига боғликлик.<br>Ва. х. к. |
| **Имкониятлар (Opportunities)** | **Тусиклар (Treats)** |
| 1. Четдан қўшимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги<br>2. Ўз савдо шахобчаларини очиб, улар оркали махсулот сотишни йўлга қўйиш имкони мавжудлиги<br>3. Нарҳ эгилувчанлигидан (камайтириш ва кўпайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш<br>4. Ва. х.к. | 1. Юзага келиши мумкин бўлганғирром рақобат<br>2. Дастлабки вақтда бозорга чиқиш ва махсулотни сотиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.<br>3. Ва. х. к.. |

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда худудий бозорларда ва бошка худудларда НТМ  фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади.

НТМнинг мувафаккиятли ташкил этилиши учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нарҳлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар харид микдори юқори бўлса) режалаштирилган.

Ундан ташқари корхона раҳбари нодавлаттаълим муассасасини ташкил этишда кам таьминланган ва ёш оилаларга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Нодавлат таълим муассасаси 150 ўрингa мўлжалланган бўлиб, шундан 35 ўринни кам таьминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун ажратиб уларга фарзандининг бир ойлик тўлов суммасини қолган 115 нафар тарбияланувчиларнинг бир ойлик тўлов суммасига нисбатан сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

**8-жадвал. Лойиҳатўғрисидақисқача маълумот**

| | |
|---|---|
| Лойиҳанинг номланиши | **Самарқанд вилояти, Нуробод туманида ХАТБ «МИКРОКРЕДИТ»банкининг кредитидан фойдаланиб Спорт, мусиқа ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган нодавлаттаълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси** |
| Лойиҳа суммаси | 500 000 000сўм |
| Лойиҳада катнашадиган кредит микдори | 500 000 000 сўм |
| Лойиҳада режалаштирилаётган Ўртача йиллик соф фойда | **459 774 183** сўм |
| Лойиҳа муддати | 15 йил |
| Лойиҳанинг реал оқланиш муддати | 10 йил |
| Лойиҳани режалаштириш санаси | 2019йилнинг март ойи |
| Лойиҳа ташаббускори | **« МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ» НТМ** |
| Лойиҳа ташаббускорининг манзили: | Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, |
| Лойиҳа ташаббускорининг телефон рақами | (98) 573 52 20 |

## УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

**Жадвал № 9. Кредит маблағларининг сарфланиши ва молиявий харажатлар.**

| **А. Кредит ҳисобига харид қилинаётган махсулот** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Махсулот номи** | **Ўлч.бир.** | **Сони (дона)** | **Режалаштири-лаётган харид нархи (сўм)** | **Жами қиймат сўмда** |
| **Жихозлаш харажатлари** | | | | | |
| 1 | Боғчани жихозлаш харажатлари | Комп | 1 | 500 000 000 | 500 000 000 |
| **Жами :** | | | | | **500 000 000** |

| **Д. Инвестцион фаолият олди молиявий харажатлари** | | |
|---|---|---|
| **Молиявий харажат тури** | **%** | **Сум** |
| Руйхатга олиш тўлови (нотариус) | % | 2 000 000 |
| Суғурта мукофоти | % | 5 000 000 |
| Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари | % | 500 000 |

| | | |
|---|---|---|
| Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар | % | 3 000 000 |
| **ЖАМИ** | **Х** | **510 500 000** |

**Жадвал № 10. Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари**

| **А. Лойиҳанинг умумий қиймати** | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Кўрсаткичларнинг номланиши** | **Махаллий валюта (сўм)** | **кредит иштироки** |
| 1 | Бинони жихозлаш харажатлари | 500 000 000 | % |
| **ЖАМИ** | | **500 0000 000** | **%** |
| 4 | Руйхатга олиш тўлови (нотариус) | 2 000 000 | % |
| 5 | Суғурта мукофоти | 5 000 000 | % |
| 6 | Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари | 500 000 | % |
| 7 | Кўзда тутилмаган бошқа харажатлар | 3 000 000 | % |
| **ЖАМИ** | | **510 500 000** | **100 %** |
| **ЖАМИ ЛОЙИҲАНИНГ БОШЛАНҒИЧ ҚИЙМАТИ** | | **510 500 000** | **100 %** |

## КОРХОНА ДАРОМАДИ РЕЖАСИ

**Жадвал № 11. Хизмат кўрсатиш ва ялпи тушум режаси**

| **Хизмат кўрсатишдан тушган тушум прогнози** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Хизмат номи** | **Ўлчов бирлиги** | **Сони** | **Йиллик тўлови** | **Жами** |
| **1 йилда** | | | | | |
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 7 000 000 | 84 000 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 7 800 000 | 897 000 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 320 000 | 118 800 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 800 000 | 162 000 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 920 000 | 172 000 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 920 000 | 172 000 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 800 000 | 162 000 000 |
| **Жами** | | | | | **1 767 800 000** |
| **2 йилда** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 2 640 000 | 92 400 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 8 580 000 | 986 700 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 452 000 | 130 680 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 980 000 | 178 200 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 112 000 | 190 080 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 112 000 | 190 080 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 980 000 | 130 680 000 |
| **Жами** | | | | | **1 898 820 000** |
| **3 йилда** | | | | | |
| 1 | Тарбияланувчилар (имтиёзли) | киши | 35 | 3 036 000 | 106 260 000 |
| 2 | Тарбияланувчилар | киши | 115 | 9 867 000 | 1 134 705 000 |
| 3 | Бадиий гимнастика тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 1 669 800 | 150 282 000 |
| 4 | Кураш тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 277 000 | 204 930 000 |
| 5 | Инглиз тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 428 800 | 218 592 000 |
| 6 | Рус тили тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 428 800 | 218 592 000 |
| 7 | Мусиқа тўгараги (Қўшимча) | киши | 90 | 2 277 000 | 204 930 000 |
| | | | | | **2 238 291 000** |

## ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 12. Хом – ашё хариди учун йиллик САРФ - ХАРАЖАТЛАР**

| Тарбияланувчилар учун хом-ашё сарфи (100% қувватда) (50 киши ҳисобидан) | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Номланиши** | Ўл/б | Бир кунлик сарфи | Бир ойлик сарфи | | Бир йиллик сарфи | |
| | | | | Сони | суммаси | Сони | суммаси |
| 1 | Ошхона озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти харажатлари | сўм | 300 000 | 90 | 27 000 000 | х | 324 000 000 |
| 2 | Дори дармон харажатлари | сўм | 6 300 | 90 | 567 000 | х | 6 804 000 |
| 3 | Кундалик хўжалик эҳтиёжи моллари харажатлари | сўм | 6 250 | 90 | 562 500 | х | 6 744 000 |
| 4 | Канцелярия харажатлари | сўм | 12 000 | 90 | 1 080 000 | х | 12 960 000 |
| **Жами:** | | | | | | | **350 508 000** |

| **1-йил** | | **Тарбияланувчилар учун хом-ашё сарфи (100 % қувватда)** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Номланиши** | Ўл/б | Бир кунлик сарфи | Бир ойлик сарфи | | Бир йиллик сарфи | |
| | | | | сони | суммаси | Сони | Суммаси |
| **1** | Ошхона озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти харажатлари | сўм | 300 000 | 90 | 27 000 000 | х | 324 000 000 |
| 2 | Дори дармон харажатлари | сўм | 6 300 | 90 | 567 000 | х | 6 804 000 |
| 3 | Кундалик хўжалик эҳтиёжи моллари харажатлари | сўм | 6 250 | 90 | 562 500 | х | 6 744 000 |
| 4 | Канцелярия харажатлари | сўм | 12 000 | 90 | 1 080 000 | х | 12 960 000 |
| **Жами:** | | | | | | | **350 508 000** |

| **2-йил** | | **Тарбияланувчилар учун хом-ашё сарфи (100% қувватда, нарх ўсиши 10%)** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Номланиши** | Ўл/б | Бир кунлик сарфи | Бир ойлик сарфи | | Бир йиллик сарфи | |
| | | | | сони | суммаси | Сони | Суммаси |
| **1** | Ошхона озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти харажатлари | сўм | 330 000 | 90 | 29 700 000 | х | 356 400 000 |
| 2 | Дори дармон харажатлари | сўм | 6 930 | 90 | 623 700 | х | 7 484 400 |
| 3 | Кундалик хўжалик эҳтиёжи моллари харажатлари | сўм | 6 875 | 90 | 618 750 | х | 7 425 000 |
| 4 | Канцелярия харажатлари | сўм | 13 200 | 90 | 1 188 000 | х | 14 256 000 |
| **Жами:** | | | | | | | **385 565 400** |

| 3-йил | | | Тарбияланувчилар учун хом-ашё сарфи (100% қувватда, нарҳ ўсиши 15%) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| № | Номланиши | Ўл/б | Бир кунлик сарфи | Бир ойлик сарфи | | Бир йиллик сарфи | |
| | | | | сони | суммаси | сони | Суммаси |
| **1** | Ошхона озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти харажатлари | сўм | 379 500 | 90 | 34 155 000 | х | 409 860 000 |
| 2 | Дори дармон харажатлари | сўм | 7 970 | 90 | 717 300 | х | 8 607 600 |
| 3 | Кундалик хўжалик эҳтиёжи моллари харажатлари | сўм | 7 906 | 90 | 711 540 | х | 8 538 480 |
| 4 | Канцелярия харажатлари | сўм | 15 180 | 90 | 1 366 200 | х | 16 394 400 |
| **Жами:** | | | | | | | **443 400 480** |

## ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

### Жадвал № 13. Штатлар жадвали ва йиллик иш хақи фонди

| | Лавозими | Сони | Ойлик иш хақи | Умумий иш хақи | Йиллик иш хақи (12 ой) | 12 % иш хақидан даромад солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.1. МАЪМУРИЯТ** | | | | | | |
| **1** | Корхона раҳбари | 1 | 1 400 000 | 1 400 000 | 16 800 000 | 2 016 000 |
| **2** | Ҳисобчи | 1 | 1 200 000 | 1 200 000 | 14 400 000 | 1 728 000 |
| ***Маъмурият жами:*** | | ***2*** | ***2 600 000*** | ***2 600 000*** | ***31 200 000*** | ***3 744 000*** |
| **1.2. ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАР** | | | | | | |
| **1** | Бадиий гимнастика мураббийи | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **2** | Каратэ мураббийи | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **3** | Мусиқа ўқитувчиси | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **4** | Инглиз тили ўқитувчиси | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **5** | Рус тили ўқитувчиси | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **6** | Болалар шифокори | 1 | 900 000 | 900 000 | 10 800 000 | 1 296 000 |
| **7** | Тарбиячи | 12 | 1 000 000 | 12 000 000 | 144 000 000 | 17 280 000 |
| **8** | Ошпаз | 2 | 900 000 | 1 800 000 | 21 600 000 | 2 592 000 |
| **9** | Фаррош | 4 | 900 000 | 3 600 000 | 43 200 000 | 5 184 000 |
| **10** | Қоровул | 2 | 900 000 | 1 800 000 | 21 600 000 | 2 592 000 |
| **Ишчи хизматчилар жами:** | | ***13*** | ***х*** | **24 600 000** | **295 200 000** | **35 424 000** |
| **ХАММАСИ:** | | **15** | **х** | **27 200 000** | **326 400 000** | **39 168 000** |

**Жадвал № 13а. Иш хақи фондининг йилдан йилга ўсиб бориши**

| № | Номланиши | 1 йил | 2 йил | 3 йил |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Маъмурият иш хақи | *31 200 000* | *35 880 000* | *43 056 000* |
| 2 | Маъмурият иш хақидан 12 % ажратма | *3 744 000* | *4 305 600* | *5 166 720* |
| 3 | Ишчи хизматчилар иш хақи | *101 400 000* | *111 540 000* | *122 694 000* |
| 4 | Ишчи хизматчилар иш хақидан 12 % ажратма | *295 200 000* | *339 480 000* | *407 376 000* |
| 5 | ***Жами ишхақи харажатлари*** | ***326 400 000*** | ***375 360 000*** | ***450 432 000*** |
| 6 | ***Жами 12 % ажратмалар*** | ***39 168 000*** | ***45 043 200*** | ***54 051 840*** |
| **ЖАМИ ИШ ХАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ** | | ***365 568 000*** | ***420 403 200*** | ***504 483 840*** |

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

**Жадвал № 14. Коммунал харажатлар**

| **Энергия ресурсларига бўлган талаб(сўм)** | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Номланиши** | **Ўл.бир** | **Кун-лик сарф** | **Ойлик сарф** | **Йиллик сарф** | **Бир бирлик нархи** | **Йиллик сарф қиймати** |
| **Биринчи йилда** | | | | | | | |
| 1 | Электр энергияси | квт/соат | 5,20 | 135,20 | 1 622,40 | 250,00 | 405 600,00 |
| 2 | Табиий газ | м.куб | 4,60 | 119,60 | 1 435,20 | 320,00 | 459 264,00 |
| 3 | Ичимлик суви | м.куб | 20,00 | 520,00 | 6 240,00 | 60,00 | 374 400,00 |
| 4 | Оқова | м.куб | 10,00 | 260,00 | 3 120,00 | 60,00 | 187 200,00 |
| **Жами йиллик сарф** | | | | | | | **1 426 464,00** |
| **Иккинчи йилда** | | | | | | | |
| 1 | Электрэнергияси | квт/соат | 5,20 | 135,20 | 1 622,40 | 300,00 | 486 720,00 |
| 2 | Табиий газ | м.куб | 4,60 | 119,60 | 1 435,20 | 384,00 | 551 116,80 |
| 3 | Ичимлик суви | м. куб | 20,00 | 520,00 | 6 240,00 | 72,00 | 449 280,00 |
| 4 | Оқова | м.куб | 10,00 | 260,00 | 3 120,00 | 72,00 | 224 640,00 |
| **Жами йиллик сарф** | | | | | | | **1 711 756,80** |
| **Учинчи йилда** | | | | | | | |
| 1 | Электрэнергияси | квт/соат | 5,20 | 135,20 | 1 622,40 | 360,00 | 584 064,00 |
| 2 | Табиий газ | м.куб | 4,60 | 119,60 | 1 435,20 | 460,80 | 661 340,16 |
| 4 | Ичимлик суви | м. куб | 20,00 | 520,00 | 6 240,00 | 86,40 | 539 136,00 |
| 5 | Оқова | м.куб | 10,00 | 260,00 | 3 120,00 | 86,40 | 269 568,00 |
| **Жами йиллик сарф** | | | | | | | **2 054 108,16** |
| **Жами уч йиллик сарф** | | | | | | | **5 192 328,96** |

## ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАРҲИСОБИ

**Жадвал № 16. Ялпи ишлаб чиқариш харажатлари (таннарҳ калькуляцияси)**

| Лойиҳа даврининг жами харажатлари (таннарҳ калькуляцияси) | | | |
|---|---|---|---|
| **Ҳаражат турлари** | **1 йил** | **2 йил** | **3 йил** |
| ***Қувватларнинг ўзлаштирилиши*** | ***100%*** | ***100%*** | ***100%*** |
| Хом ашё харажатлари | 443 400 480 | 509 910 552 | 611 892 662 |
| Коммунал харажатлар | 1 426 464 | 1 711 756 | 2 054 108 |
| Иш хақи харажатлари | *326 400 000* | *375 360 000* | *450 432 000* |
| Ишчи-ходимларининг иш хақидан ижтимоий тўлов ажратмалари | *39 168 000* | *45 043 200* | *54 051 840* |
| **Жами харажатлар** | **810 394 944** | **932 025 508** | **1 118 430 610** |

## КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ РЕЖАСИ

**Жадвал № 17. Кредитнинг қайтарилиш графиги**

| Кредитни қайтариш графиги (сўм) | |
|---|---|
| **Кредит суммаси** | **500 000 000** |
| **Кредитлаш муддати (йил)** | **3** |
| **Кредитнинг имтиёзли муддати (ой)** | **6** |
| **Кредит фоизи (фоиз)** | **28%** |
| **Кредитни олиниши режалаштирилаётган сана** | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **2** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **3** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **4** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **5** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **6** | **500 000 000** | **0** | **11666667** | **11666667** | **500 000 000** |
| **7** | **500 000 000** | **16666667** | **11666667** | **28333333** | **483 333 333** |
| **8** | **483 333 333** | **16666667** | **11277778** | **27944444** | **466 666 667** |
| **9** | **466 666 667** | **16666667** | **10888889** | **27555556** | **450 000 000** |
| **10** | **450 000 000** | **16666667** | **10500000** | **27166667** | **433 333 333** |
| **11** | **433 333 333** | **16666667** | **10111111** | **26777778** | **416 666 667** |
| **12** | **416 666 667** | **16666667** | **9722222** | **26388889** | **400 000 000** |
| **13** | **400 000 000** | **16666667** | **9333333** | **26000000** | **383 333 333** |
| **14** | **383 333 333** | **16666667** | **8944444** | **25611111** | **366 666 667** |
| **15** | **366 666 667** | **16666667** | **8555556** | **25222222** | **350 000 000** |
| **16** | **350 000 000** | **16666667** | **8166667** | **24833333** | **333 333 333** |
| **17** | **333 333 333** | **16666667** | **7777778** | **24444444** | **316 666 667** |
| **18** | **316 666 667** | **16666667** | **7388889** | **24055556** | **300 000 000** |
| **19** | **300 000 000** | **16666667** | **7000000** | **23666667** | **283 333 333** |
| **20** | **283 333 333** | **16666667** | **6611111** | **23277778** | **266 666 667** |
| **21** | **266 666 667** | **16666667** | **6222222** | **22888889** | **250 000 000** |
| **22** | **250 000 000** | **16666667** | **5833333** | **22500000** | **233 333 333** |
| **23** | **233 333 333** | **16666667** | **5444444** | **22111111** | **216 666 667** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 24 | 216 666 667 | 16666667 | 5055556 | 21722222 | 200 000 000 |
| 25 | 200 000 000 | 16666667 | 4666667 | 21333333 | 183 333 333 |
| 26 | 183 333 333 | 16666667 | 4277778 | 20944444 | 166 666 667 |
| 27 | 166 666 667 | 16666667 | 3888889 | 20555556 | 150 000 000 |
| 28 | 150 000 000 | 16666667 | 3500000 | 20166667 | 133 333 333 |
| 29 | 133 333 333 | 16666667 | 3111111 | 19777778 | 116 666 667 |
| 30 | 116 666 667 | 16666667 | 2722222 | 19388889 | 100 000 000 |
| 31 | 100 000 000 | 16666667 | 2333333 | 19000000 | 83 333 333 |
| 32 | 83 333 333 | 16666667 | 1944444 | 18611111 | 66 666 667 |
| 33 | 66 666 667 | 16666667 | 1555556 | 18222222 | 50 000 000 |
| 34 | 50 000 000 | 16666667 | 1166667 | 17833333 | 33 333 333 |
| 35 | 33 333 333 | 16666667 | 777778 | 17444444 | 16 666 667 |
| 36 | 16 666 667 | 16666667 | 388889 | 17055556 | 0 |

**18-жадвал. Кредитнинг реал вақт оралиқлари ҳисоби бўйича қайтарилиши**

| **Кредитнинг 15 йиллик вақт оралиқларида қайтарилиши ҳисоби** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Қайтариш муддати (ой сўнгига нисбатан)** | **Давр бошига кредит қолдиғи** | **Жами тўлов** | **Шундан** | | **Давр охирига кредит қолдиғи** |
| | | | **Асосий қарз тўлови** | **Фоиз тўлови** | |
| Биринчи йилда | 500 000 000 | 234166667 | 100 000 000 | 134166667 | 416 666 667 |
| Иккинчи йилда | 416 666 667 | 286333333 | 200 000 000 | 86333333 | 216 666 667 |
| Учинчи йилда | 216 666 667 | 230333333 | 200 000 000 | 30333333 | 16 666 667 |
| **ЖАМИ 15 ЙИЛ ДАВОМИДА** | | **750833333** | **500000000** | **250833333** | **0** |

# ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ҲИСОБИ

**Жадвал № 19. Даромадлар ҳисоби**

| **Даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисобот** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Номланиши** | **1 йил** | **2 йил** | **3 йил** | **Жами** | **Ўртача** |
| Соф тушум | 1 767 800 000 | 1 898 820 000 | 2 238 291 000 | 5 904 911 000 | 1968303667 |
| Жами сарф харажатлар | 810 394 944 | 932 025 508 | 1 118 430 610 | 2 860 851 06 | 953617020 |
| **Ялпи даромад** | **957 405 056** | **966 794 492** | **1 119 860 390** | **3 044 059 938** | **1 014 686 647** |
| ***Ялпи рентабел-лик*** | **34,59** | **42,20** | **50,73** | х | **43,15** |
| Банк хизмати | 1 715 400 | 2 573 100,00 | 3 859 650,00 | 8 148 150,00 | 2 716 050 |
| Кўзда тутилмаган харажатлар (Транспорт, рискларни коплаш вах.к.) | 7 200 000 | 10 800 000 | 16 200 000,00 | 34 200 000 | 11 400 000 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ***Жами кўшимча* харажатлар** | ***8 915 400,00*** | ***13 373 100,00*** | ***20 059 650,00*** | 42 348 150 | 14 116 050 |
| ***Жами фойда микдори*** | **939 574 256** | **940 048 292** | **1 079 741 090** | **2 959 363 638** | **986 454 547** |
| Кредит бўйича тўловлар | 234166667 | 286333333 | 230333333 | 750833333 | 250 277 777 |
| Ягона солиқ 4 % | 70 712 000 | 75 952 800 | 89 531 640 | 236 196 440 | 78 732 167 |
| **Соф фойда** | **634 695 589** | **577 762 159** | **759 876 117** | **1 972 333 865** | **657 444 603** |
| **Соф рентабел-лик** | **24,88** | **32,21** | **40,47** | х | 32,52 |

# ЭКОЛОГИК ТАЛАБ

Экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ушбу лойиҳа атроф мухитга катта зарар етказмайди.

Техник – экологик хавфсизлик ходимларнинг мунтазам ўқитилиб борилиши ва хар ой керакли инструктажлар олиб борилиб, иш жараёни хавфсизлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш орқали таъминланади.

Бундан ташқари, лойиҳа белгиланган меъёрлар ва норматив меъёрий хужжатларга асосланган холда, самарали тарзда, ўрнатилган тартибда иктисодий, молиявий, экологик, ва тижорат меъёрларига асосланган хужжатлар юритиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларга зид бўлмаган фаолият асосида олиб борилади.

Янада хавфсизликни таъминлаш учун эко-экспертлар гурухини жалб қилиш, экологик экспертиза ва санитария гигиена хужжатларини олиб, Давлат Санитария Эпидемиология маркази маъсулларига тақдим этиб борилиши кўзда тутилган.Умуман олганда лойиҳа экология талабларига тўлақонли жавоб бериб, ушбу талабларда кўрсатилган классификация буйича С гурухига мансуб деб топилди.

# ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда **24,88** фоизни ташкил қилмокда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик ўрта ҳисобда **32,52** фоизни ташкил қилмокда. Бундан ташқарилойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан ўн йилни ташкил килади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан пастлиги соҳанинг молиявий – иктисодий жозибадорлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмокда. Ўндан ташқари ўртача олиниши мумкин бўлган **634 695 589 сўмлик** фойда хўжаликмақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошка фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб бахоланади ва кредит маблағларини ўз вақтида кайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги ишлаб чиқариш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараккий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, худуднинг иктисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига уз хиссасини кўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб – китобларни ўрганиб чиқиб

**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ » НТМ** Самарқанд туманида нодавлат таълим муассасасини ташкил этиш мақсадида **500 000 000** сўм миқдорида кредит олишга қарор қилади ва бу кредитни мақсадли сарфланиши буйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**«МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ » НТМ**

**Раҳбари Мрупова.Д.О (имзо) ____________ сана «____» _______________2019 й.**

**М. Ў.**